

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ЖАЛҒАСОВ НУРЖАН МАРАТОВИЧ

**ПРОВЕРБИАЛ ТУЗИЛМАЛАРДА ИНСОННИ БАҲОЛАШНИНГ
ПРАГМАТИК ВА ЛИСОНИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ (инглиз,
ўзбек ва қорақалпоқ тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of Doctor of philosophy (PhD)
in philological sciences**

Жалғасов Нуржан Маратович

Провербиал тузилмаларда инсонни баҳолашнинг прагматик ва лисоний-маданий хусусиятлари (инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари мисолида) 3

Жалғасов Нуржан Маратович

Прагматические и лингвокультурологические особенности оценки человека в провербиальных образованиях (на материале английского, узбекского и каракалпакского языков) 27

Jalgasov Nurjan Maratovich

Pragmatic and lingual-cultural peculiarities of human's estimation in proverbial formations (on the material of the English, Uzbek and Karakalpak languages) 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ЖАЛҒАСОВ НУРЖАН МАРАТОВИЧ

**ПРОВЕРБИАЛ ТУЗИЛМАЛАРДА ИНСОННИ БАҲОЛАШНИНГ
ПРАГМАТИК ВА ЛИСОНИЙ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ (инглиз,
ўзбек ва қорақалпоқ тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1138 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажнийёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdchti.uz) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Насруллаева Нафиса Зафаровна филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Жўраева Малохат Муҳаммадовна филология фанлари доктори, доцент Базарбаева Альбина Мингалиевна филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «30» декабрь соат 11:00 даги мажлисида бўлади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел.: (99866) 233-78-43; факс (998966) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (600 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93. Тел.: (99866) 233-78-43, факс: (99866) 210-00-18.

Диссертация автореферати 2020 йил «19» декабрь кuni тарқатилди.
(2020 йил «19» декабрь даги № ___ рақамли реестр баенномаси)

И.М.Тухтасинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

А.А.Яхшиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Ш.С.Сафаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор



КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Нутқий фаолиятнинг ажралмас қисми бўлган мақоллар тадқиқига антропоцентрик ёндашув ушбу тузилмаларда миллий-маданий мазмуннинг акс эттирилиши ҳамда уларнинг инсон ҳатти-ҳаракатлари, ички ва ташқи хусусиятларини баҳолаш мақсадида истифода этилиши жаҳон илмий тилшунослигининг устувор муаммолари қаторига киради. Тилшуносликда ва гуманитар тизимларга хос бошқа тадқиқотларда инсоннинг ташқи кўриниши ва ёши, ақл-идроки, ички хусусиятлари, оилавий аҳволи, меҳнат фаолияти, ижтимоий мақоми, ҳаёт тарзи ва ҳулқ-атвори каби мезонларга мувофиқ келувчи тил унсурларининг баҳолашга йўналтирилган провербиал тузилмаларини таҳлил қилишга бўлган эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда инсон ва унинг фаолиятини очиб бериш мақсадида фаоллашадиган халқ оғзаки ижоди намуналарининг прагматик ва аксиологик мазмунини аниқлаш, мақол кўринишидаги концептларнинг шаклланишига таъсир этувчи лисоний (семантик-структуравий, прагматик ва контекстуал) ва нолисоний (миллий-маданий, тарихий ва ижтимоий) омилларни аниқлаш фанда яна ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий муассасалари ва марказларида когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, оламнинг лисоний манзараси ҳамда қиёсий тилшуносликка тегишли тадқиқотларда лисоний бирликларнинг антропоцентрик табиати тавсифлаш бўйича муҳим изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бу йўналишда инсонни тавсифлаш ва баҳолашга бағишланган мақоллар семантикаси ва уларнинг инсон концептига алоқадор жиҳатлари, инсонни тарбиялаш ва камолга етқозишга қаратилган прагматик имкониятларга алоҳида урғу берилмоқдаки, бу эса баркомол инсонни тасаввур қилишга ва ундан намуна олишга чорлайди. Зотан, тил инсон моҳиятини акс эттирувчи юксак миллий қадриятлардан биридир. Ҳар бир миллий тилнинг ноёб хазинаси ҳисобланган паремиялар эса барча тил воситаларига нисбатан инсон концептини тўла тавсифловчи, уни онгли мавжудот, олам марказида барқарор мавқега эга зот сифатида ифодалаб берувчи лисоний воситалардир. Антропоцентрик изланишлар эса инсон концептининг моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам берувчи тадқиқ йўналишидир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида провербиал тузилмалар-мақолларнинг антропоцентрик табиатини ва уни халқимиз асрий тажрибасини акс эттирадиган лисоний восита сифатида ўрганиш ўзлигимизни англаш, тарихий утмишни шарқ донишмандлиги фонида тасаввур этиш, шу асосда миллий ғурур ва ифтихор тўйғусини ҳис қилиш, халқимизнинг жаҳон халқлари орасида ўзига хос ўрнини, бошқа халқлардан кам эмаслигини сезиш каби ҳиссиётларни шакллантиришга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, «биз бугун халқимизнинг ҳоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли

йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга олишимиз» га ёрдам беради¹. Ушбу йўналишда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги мақолларни антропоцентриқ аспектда тадқиқ этиш ишнинг долзарблиги ва заруратини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда дунё филологларининг диққат марказида бўлган тил бирликларининг лингвомаданий ва прагматик хусусиятлари масаласи ҳам тилшуносликда алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу борада жаҳон тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам муайян тадқиқотлар қилинган. Провербиал тузилмалар ўтган асрдан бошлаб тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

Хусусан, Э.А. Ахундова² инглиз мақолларнинг синтактик хусусиятларини ўрганган. Т.В. Бахвалова³ Россия Федерациясининг Орёл шевалари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, *gazeta.uz/ru/2017/09/01*.

² Э.А. Ахундова. Синтаксические особенности английских пословиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1986. – 20 с.

³ Т.В. Бахвалова. Характеристика интеллектуальных способностей человека лексическими и фразеологическими средствами языка (на материале орловских говоров). Учебное пособие. – Орел, 1993. – 130 с.;

материаллари мисолида лексик ва фразеологик воситаларининг инсон ақлий қобилиятларини тавсифлашидаги аҳамиятини тадқиқ этди. Фразеологик ва паремиологик birlikларни бир-биридан фарқлаш масалалари Ф.М. Белозёрованинг илмий асарларида⁴ ўз аксини топган. Инглиз мақолларининг тузилиши Т.С. Бендерли ва В.В. Гвоздев⁵ каби тилшунослар диққатини ўзига жалб этди. В.Т. Бондаренко ва И.Л. Бондаренко⁶ мақол ва маталсимон ибораларда баҳонинг прагматик томонига эътибор қаратдилар. Инглиз мақолларининг нутқда қўлланишига бағишланган С.И.Вяльцеванинг тадқиқоти⁷ алоҳида эътиборни тортади. Кичик фольклор матнларининг тузилиши А.Г. Григоряннинг илмий ишида⁸ батафсил қараб чиқилган. О.А. Дмитриева⁹ ўз тадқиқотини мақол ва ҳикматли сўзларнинг хусусиятларига бағишлаган. О.Г. Дубровскаянинг бир қанча илмий асарлари¹⁰ рус ва инглиз мақоллари матнларида ифодаланган инсон фазилатларини, яъни ақллилик ва нодонлик тўғрисидаги, рус ва инглиз мақолларини қиёслаган ҳолда уларнинг лингвомаданий жиҳатига ва шу орқали рус ва инглиз халқларининг ўзлигини англашга бўлган ҳаракатлари муаммосига қаратган. Ю.Г. Завалишина¹¹ рус ва инглиз паремиологиясида қўлланилган зооним ва фитонимлар орқали ўша халқлар менталитетини ўрганишга ҳаракат қилган. Т.А. Мирзаева¹² рус, инглиз, испан ва табасаран халқларининг мақол ва маталлари матнида инсонни баҳолаш тенденциясини ўрганган.

Тил тизимлари, сатҳлари ва birlikларининг лингвомаданий ва прагматик жиҳатлари Д.У. Ашурова, Т.А. Бушуй, Ж.Ш. Жумабаева, А.Э. Маматов, Н.З. Насруллаева, Ш.С. Сафаров, Г.Х. Раҳимов, И.М. Тухтасинов каби маҳаллий тилшуносларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Ж. Айымбетова, Н.А. Баскаков, Г. Бекбергенова, Ж. Ешбаев, Т. Жумамуратов, К. Максетов, А.Пирниязова, А.Наурызбаев, Б. Шаниязов каби тилшунослар қорақалпоқ тилида мавжуд бўлган фразеологик ва

⁴ Ф.М. Белозерова. Фразеология. Паремеология или фразеология? // Система языка, стиль и текст. – Курган, 1998. – С. 8-9.

⁵ Т.С. Бендерли. Некоторые сведения об английских пословицах // Уч. зап. Дальневосточного гос. ун -та. – Вып. IV. – Владивосток, 1962. – С. 41-58.; В.В. Гвоздев. Место пословиц как структурно-семантических образований в языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1983. – 207 с.

⁶ В.Т. Бондаренко, И.Л. Бондаренко. О прагматическом характере оценки в пословично-поговорочных выражениях // Проблемы речевого воздействия. Северо-Кавказские чтения. – Вып. 3. – Ростов-на-Дону, 1996. – С. 41-43.

⁷ С.И. Вяльцева. Речевое использование английских пословиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1977. – 16 с.;

⁸ А.Г. Григорян. Пословица в зеркале пословицы // Славянское и балканское языкознание: Структура малых фольклорных текстов. – М., 1993. – 256 с.

⁹ О.А. Дмитриева. Типы пословиц и афоризмов // Языковая личность: проблемы обозначения и понимания. – Волгоград, 1997(2). – С. 49-51.

¹⁰ О.Г. Дубровская. Образ дурака в русских и английских пословичных текстах // Языковая концепция регионального существования человека и этноса. – Барнаул, 1999. – С.103-104; О.Г. Дубровская. Лингвокультурологический аспект сопоставительного исследования русских и английских пословиц об уме и глупости: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – 2000. – 21 с.; О.Г. Дубровская. К проблеме отражения национального самосознания в пословично-поговорочном фонде русского и английского языков // Лингвистические аспекты речевой культуры. – Тюмень, 2000. – С. 27-34.

¹¹ Ю.Г. Завалишина. Этническое своеобразие английских и русских паремий // Исследования по лингвофольклористике. – Вып. 2. – Курск, 1997. – С. 47-54.

¹² Т.А. Мирзаева. Оценка человека в пословицах и поговорках русского, английского, испанского и табасаранского народов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ставрополь, 2008. – 156 с.

паремиологик бирликларни турли йўналишда ўрганган. Шунингдек, уларнинг баъзилари соҳага оид луғатлар нашр эттирганлар. Х. Абдуллаев¹³ ўз илмий изланишларини қорақалпоқ ҳикматли сўзлари ва мақолларини ўрганишга бағишлаган. Н. Балтабаева ва Г. Алламбергенов¹⁴ Иброҳим Юсупов шеъриятида мақол ва маталларнинг қўлланиши хусусиятларини тадқиқ қилдилар. А.Т. Казахбаева¹⁵ Т. Қайыпбергенов ижодида учрайдиган мақол ва маталларнинг стилистик жиҳатларини ўрганди. Г.Е. Карлыбаева ва К.М. Зайырова¹⁶ қорақалпоқ халқ мақоллари ва фразеологизмларида қўлланилган кийим-кечак атамаларига эътиборни қаратдилар. Ш.М. Қунназарова¹⁷ қорақалпоқ халқ эртақларида мақол ва маталларнинг лингвомаданий жиҳатларини ўрганди. Н. Абдуллаева¹⁸ таркибида градуонимларга эга бўлган инглиз ва ўзбек халқ мақолларини ўрганиб, уларнинг луғатини тузди. А.Дж. Паизбекова¹⁹ инглиз, рус, ўзбек ва қозоқ тилларидаги мақолларда вақт тушунчаси воқеланишининг лингвокогнитив жиҳатини тадқиқ қилди. Н.З. Насруллаева²⁰ инглиз ва ўзбек тилларидаги гендер маъноли мақолларни ўрганиб чиқди. Инсон ҳақидаги мақолларни ўрганишга бағишланган илмий ишлар анча бўлишига қарамасдан, антропоцентриқ мақолларнинг когнитив-прагматик ва этноспецифик мазмуни билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳанузгача етарлича ўрганилмаган. Бундан ташқари, провербиал тузилмаларда акс этган инсон фазилатларига берилган баҳолар турли тизимли тиллар материалларида ҳанузгача ўрганилмаган. Мазкур иш бу соҳадаги илк тажрибалардандир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг “Турли тизимдаги тиллар лексик-фразеологик таркибини лингвотипологик тасвирлаш” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли тизимга мансуб ва қардош тиллар (инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари) материаллари мисолида провербиал тузилмалар таркибида инсонга берилган баҳо воқеланишининг прагматик ва лингвомаданий хусусиятларини белгилаш, қиёсланаётган тилларда мавжуд

¹³ Х. Абдуллаев. Қутадуғу биликте нақыл мақаллар менен афоризмлардин өзара байланысы. // Амиўдарья журналы, 2007. - № 2. – Б. 117-120.

¹⁴ Н. Балтабаева, Г. Алламбергенов. Ибрайым Юсупов поэзиясында нақыл мақаллардың қолланылыўы. // «Хабаршы» журналы, 2018. - № 2. – Б. 168-170.

¹⁵ А.Т. Казахбаева. Т. Қайыпбергенов шығармаларында нақыл мақаллардың стилистик қолланылыўы өзгешеликтери. // «Хабаршы» журналы, 2016. - № 3. – Б. 129-131.

¹⁶ Г.Е. Карлыбаева, К.М. Зайырова. Қарақалпақ халық нақылмақалларында хэм фразеологиялық сөз дизбеклеринде кийим кеншек атамаларының қолланылыўы. // «Хабаршы» журналы, 2018. – № 2. – Б. 171-172.

¹⁷ Ш.М. Қунназарова. Қарақалпақ халық ертеклериндеги нақыл-мақалларды лингвомәдени уйрениўдин әҳмийети. // Ilim ham jamiyet, 2018. – № 4. – Б. 19-21.

¹⁸ Н. Абдуллаева. Градуоним компонентли инглиз ва ўзбек халқ мақоллари луғати. Dictionary of English and Uzbek proverbs containing graduonyms. – Тошкент: Nurafshon business, 2019. – 440 б.

¹⁹ А.Ж. Паизбекова. Лингвокогнитивный аспект репрезентации временных отношений в пословицах английского, русского, узбекского и казахского языков: Дисс. ... PhD по филол. наукам. – Ташкент, 2019. – 145 с.

²⁰ Н.З. Насруллаева. Формирование гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 2018. – 250 с.

бўлган мақоллар таҳлили орқали инсонни тавсифлашдаги ўхшашликлар ва тафовутларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида фаол бўлган провербиал тузилмаларда инсонга берилаётган баҳонинг антропоцентрик мазмунини очиб бериш;

таҳлил қилинган тилларда мақоллар семантикасидаги инсонни баҳоловчи семаларнинг фаоллашуви усуллари белгилаган ҳолда, улардаги этномаданий ўзига хосликни аниқлаш;

қиёсланаётган тилларда антропоцентрик мақолларнинг тузилиши ва мазмунидаги ўхшашликлар ва тафовутларни кўрсатиш;

инсонни баҳоловчи провербиал тузилмаларнинг лингвомаданий мазмунини очиб бериш орқали, уларнинг бадиий матнларда воқеланишини кузатиш;

инсоннинг ички олами ва ташқи кўриниши хусусиятларини намоён қилишга қаратилган инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ антропоцентрик провербиал тузилмаларни муайян параметрлар бўйича таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида истеъмолда бўлган антропоцентрик провербиал тузилмалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги антропоцентрик провербиал тузилмаларнинг семантик, прагматик, лингвомаданий ва функционал-стилистик мазмунини аниқлаш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда дескриптив, когнитив-концептуал, маданиятлараро қиёсий-чоғиштирма, компонент, контекстуал таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги мақолларда инсонга берилаётган баҳонинг антропоцентрик мазмунга эга эканлиги ҳамда ушбу мазмуннинг нутқий мулоқат вазиятида воқелантирувчи омиллар кўлами белгиланган;

таҳлил қилинган тиллардаги мақоллар семантикасида инсонни баҳоловчи семалар фаоллашувининг бевосита, билвосита ва мажозий усуллари аниқлаш билан бир қаторда уларнинг этномаданий ўзига хослиги далилланган;

чоғиштирилган тилларнинг провербиал тузилмаларида инсоннинг ижобий ва салбий баҳоси акс этишининг муштарак хусусиятлари (семантик-структуравий ва лексик-морфологик жиҳати) ва тафовутларини (лингвомаданий, прагматик ва тарихий-этимологик жиҳати) аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

инсонни баҳоловчи мақолларнинг урф-одатлар, анъаналар, турмуш шароити, ҳаёт тарзи, миллий менталитет ва миллий стереотиплар билан боғлиқ ҳолда намоён бўладиган лингвомаданий мазмуни очиб берилган

ҳамда уларнинг инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги бадиий матнларда фаоллашув меъёрлари аниқланган;

инсоннинг ички олами (руҳий ҳолат, феъл-атвор, атроф-муҳитга нисбатан психологик таъсирланиш) ва ташқи тузилиши (ёш, ташқи кўриниш, соғломлик-беморлик, касбий фаолияти, ижтимоий мақоми) хусусиятларини тасвирлашга мўлжалланган муайян параметрлар бўйича инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ антропоцентрик провербиал тузилмаларнинг таснифи яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ паремиологик заҳирасида мавжуд бўлган инсонни баҳоловчи провербиал тузилмаларнинг таркибий кўрсаткичлари аниқланган;

қиёсланаётган тиллардаги мақолларнинг баҳоловчи маъно ва мазмунини таҳлил қилиш ва уларни структур, функционал-семантик жиҳатидан таснифлаш методикаси ишлаб чиқилган;

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ антропоцентрик мақолларнинг статистик таҳлили олиб борилган;

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги инсонни баҳоловчи провербиал тузилмалар мазмунини лингвистик шарҳлаш ва улардан тил ўрганиш амалиётида фойдаланиш усуллари намоёиш этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, таҳлилга тортилган лисоний материалларнинг асослилиги, антропоцентрик парадигмада қўлланилган усуллардан фойдаланилганлик, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, улардан инсон ҳақидаги мақоллар тадқиқининг бошқа тиллар материалларида олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади, олинган назарий маълумотлар қиёсий типология, лексикология ва фразеология, лингвопрагматика, стилистика, матн талқини соҳаларидаги илмий қарашларни бойитиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унинг материалларидан олий таълим тизимида “Лексикология”, “Фразеология асослари”, “Матн стилистикаси”, “Таржима назарияси” каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, матн лингвистикаси, лингвомаданиятшунослик, этнотилшунослик каби соҳаларга оид махсус курсларни ўқитишда, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларини ёзишда, икки тилли ва кўп тилли луғатларни тузиш ҳамда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари соҳасида бўлажак мутахассисларнинг назарий ва амалий билимларини бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги инсонни баҳоловчи провербиал тузилмаларнинг фаоллашуви бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги инсонни баҳоловчи провербиал тузилмалар таҳлил жараёнида аниқланган инсоннинг ташқи (ёш, ташқи кўриниш, соғ-носоғлик, касбий фаолияти, жамиятдаги мақоми) ва ички (руҳий ҳолат, феъл-атвор, атрофидагилардан руҳий таъсирланиш) тавсифларини ифодалашига оид муайян кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикасидаги АҚШ элчихонасининг 2015 йилдаги SUZ 800-13-GR-133 рақамли “English Access Microscholarship Program” таълим гранти дастури доирасида Нукус давлат педагогика институтида иқтидорли ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиш жараёнида фойдаланилди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 89-03-3134-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг иқтидорли ўқувчиларга таълим бериш амалиётига татбиқ этилиши инглиз мақолларини ўрганиш, уларни ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берган;

инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги провербиал тузилмалар таҳлили пайтида эришилган урф-одатлар, анъаналар, турмуш шароитлари, ҳаёт тарзи, миллий менталитети ҳамда қиёсланаётган тиллар соҳибларининг миллий руҳи билан боғлиқ бўлган стереотиплар кўринишидаги лингвомаданий мазмунга оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 8 сентябрдаги 17.01/91-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоқ фольклори, жумладан, инсонни баҳоловчи мақоллар, уларнинг фольклор матнларида фаоллашуви, қорақалпоқ провербиал тузилмаларни бошқа тилларга ўгириш, ўзбек ва қорақалпоқ мақоллари семантикасида инсонни баҳолаш усуллари (бевосита, билвосита ва метафорик) аниқлаш ҳамда уларнинг этномаданий ўзига хос хусусиятини очиб беришда ва паремиологик луғатлар тузишга йўналтирилган ҳаракатлар истиқболи белгиланган;

чоғиштирилаётган тилларидаги мақолларнинг муайян лингвомаданий жамоа аъзолари тафаккур тарзининг моҳиятини тасаввур қилиш ва қиёсланаётган тиллар соҳибларининг маънавий дунёсини очиб беришга оид хулосалардан Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейида инглиз ва туркий халқлар оғзаки ижоди, хусусан ўзбек ва қорақалпоқ фольклорида нақл жанри бўйича кўргазма тайёрлаш ва туристларга уни тушунтириш жараёнларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2020 йил 8 сентябрдаги 2-03/1072-сон маълумотномаси). Натижада музейга ташриф буюрган меҳмонларга миллий колоритни намоён этиш, ўзбек ва қорақалпоқ мақоллари семантикасида инсонни баҳолаш усуллари аниқлаш ҳамда уларнинг этномаданий ўзига хос хусусиятини очиб бериш имкони яратилган;

инсоннинг ташқи кўриниши ва ёши, ақлий қобилияти, шахсий хусусиятлари, оилавий ҳолати, меҳнат фаолияти, ижтимоий мақоми ва

шунингдек, хулқи ва ҳаёт тарзини баҳоловчи инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ мақоллари таснифига оид илмий-назарий тавсиялар Қорақалпоғистон телерадиоканали орқали таълим тизимига, илмий-тадқиқот институтларига ва бадий адабиётга қизиқувчи кенг оммага тақдим этилди ва бу борада ижобий натижаларга эришилди (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 11 сентябрдаги 01-02/174-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистон радиоканалининг “Хабар” дастури орқали аҳолига, асосан ўқувчи ёшларга, талабаларга, олимларга ва катта илмий-ходим изланувчиларга инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида инсоннинг ташқи ва ички параметрлари бўйича баҳоловчи мақолларни тарғиб қилиш имконияти вужудга келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий маърузалар кўринишида 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот материали тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, апробация, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Провербиал тузилмаларнинг антропоцентрик мазмуни”** деб номланган биринчи бобида “антропоцентризм” тушунчаси замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан талқин қилиниб, оламнинг паремиологик манзараси тасвирланади ҳамда провербиал тузилмалар семантикаси антропоцентрик парадигма нуқтаи назаридан ўрганилади.

Тил – маданият хазинаси. Лисон воситасида миллий-маданий қадриятлар, луғат, грамматика, фразеология, мақол ва маталлар, фольклор, бадий ва илмий адабиётлар оғзаки ва ёзма нутқ таркибида ўз аксини топади²¹. Лисоний мазмун бевосита тил дунёсидан инсон дунёсига йўл очиқ

²¹ Е.М. Верещагин, В.Г. Костомаров. Язык и культура. – Москва: Русский язык, 1990. – С. 26.

бериб, муайян нутқий жамоага ҳамда якка тил соҳибига хос бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маданий тасаввурларни намоён қилади²². В.Гумбольдт ўз вақтида тилнинг этник ўзига хослигига эътибор қаратган эди: “Тил халқлар руҳининг ташқи намоёишидир: халқнинг тили унинг руҳидир, халқнинг руҳи эса тилдир. Бундан бошқа бир-бирига айнан ўхшашроқ нарсани тасаввур этишининг ўзи қийин”²³.

Демак, тил бевосита инсон ва унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, инсонга хизмат қилади ҳамда у билан содир бўлган барча ўзгаришларни қамраб олади. Шу боис, замонавий лингвистика тил муаммоларини алоҳида эмас, балки инсон омили билан чамбарчас боғлиқликда ўргана бошлади. Бундай ёндашув тилшунослар томонидан антропологик ёндашув деб, инсонни ўрганувчи фан эса антропология деб аталди. Антропология инсониятнинг жисмоний ва маданий ривожланишини ўрганганлиги сабабли антропология жисмоний ва маданий турларга ажратилади. Маданий антропология инсон маданияти ривожланишининг барча ўзига хос хусусиятларини, хусусан, унинг ҳаёт тарзи, менталитети, миллий характери, маънавий, ижтимоий ва меҳнат фаолиятини тадқиқ қилади. Маданий антропология тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлигига эътибор қаратиб, тилни турли лисоний маданият вакиллари ўртасидаги асосий мулоқот воситаси сифатида ўрганади²⁴. Қадрият худди маданият каби инсон фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг вужудида етакчи ролни ўйнайди. Дарҳақиқат, инсон ҳар доим бирор нарсага интилиб, бошқасидан ўзини четга олади. Бунда инсон атрофдаги жамият, ҳаётий шароитлар ва ўз хулқ-атвори даражасидан келиб чиқиб, ҳаракат қилади²⁵. Инсон ва унинг барча фаолият соҳалари билан боғлиқ бўлган ҳамда унга турли баҳоларни воқелантирган мақоллар баҳо ифодалашга сафарбар этилган лисоний моделлар сафига киради. Провербиал тузилмалар семантикасида мавжуд бўлган асосий концептлар орасида инсон концептига оид бўлган “ҳаёт”, “ўлим”, “яхшилик”, “ёмонлик”, “меҳнат”, “ялқовлик”, “донолик”, “нодонлик”, “саховат”, “хасислик” каби фазилатлар ва ҳодисалар ажралиб туради. Мазкур рўйхат чексиз бўлиб, инсон ҳаётига алоқадар ҳар қандай концепт турли лисоний маданиятларда турлича талқин қилиниши мумкин.

У ёки бу лисоний маданият соҳиблари онгида кечаётган тафаккур ҳосиласи тилда ўз изини қолдиради ва мазкур онг “бўлакчалари” дунё ва воқелик объектлари ҳақидаги билим тизимлари бўлган лисоний концептлар кўринишида авлоддан авлодга тил орқали етказиб берилади. Демак, мазкур лисоний маданият соҳибларининг перцептив, концептуал ва маросимларга оид билимлари йиғиндиси бўлган концептлар тўғридан-тўғри онг билан боғлиқ. Ушбу билим паремиологик бирликлар семантикасида фаоллашади. Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаровларнинг таъкидлашича, паремиялар барча

²² Е.С. Кубрякова. Язык и знание. На пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. – Москва: Языки славянской культуры, 2004. – С. 96.

²³ В. Гумбольдт. Избранные труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1984. – С. 67.

²⁴ В.В. Воробьёв. Лингвокультурология: теория и методы. – Москва: Изд-во РУДН, 2008. – С. 125.

²⁵ Н.Ф. Алефиренко. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. – Москва: Флинта-Наука, 2010. – С. 74.

таркибий қисмлари воситасида миллий маданиятни мажмуавий тарзда акс эттиради²⁶.

Мақоллар инсоннинг субъектив дунёқараши ёки маънавий фаолияти негизида турган оламнинг глобал сиймосини батафсил шакллантиради ва ифодалайди. Объектив воқеликнинг бундай субъектив ифодаси мавжуд оламнинг бир қисми бўлиб, воқеликни нафақат кўзгудагидек акс эттирувчи, балки уни ижодий тарзда талқин қилувчи турли хил баҳоларни ўзида мужассам этган ҳолда лисоний код кўринишини олади. Мақол тил ва маданиятнинг ўзаро таъсирини кўрсатувчи ва инсоннинг ички (руҳий) дунёсини баҳоловчи лингвокультуремадир. Мақоллар инсон когнитив фаолиятининг тайёр қолипи бўлиб, оламнинг маданий, миллий ва касбий манзаралари билан боғлиқ.

Кўплаб тилшунослар мақолларнинг келиб чиқиши масаласида фикр билдириб, уларнинг муаллифи халқ ва халқ донишмандлиги эканлигини қайд этишган. А.В.Кунин мақолларни ибратли маъно ва бир маромдаги шаклга эга бўлган ихчам ҳикматлар сифатида талқин қилади²⁷. Мақоллар – турмушда орттирилган донишмандлик дурдоналари, азалий тажрибада синаб кўрилган халқнинг маънавий бойлиги ва маданий меросидир²⁸. Мақол ва маталлар ўз структуравий ёки семантик хусусиятлари билан фарқланади. “Мақоллар – қисқа рамзли ҳикоя, халқчил лунда, қочирим маънода айтилган ва муомалага чиқарилган ҳукм, насиҳатдир. Матал – ҳам шаъма, қочиримдир, бироқ унда рамзли ҳикоя ва ҳукм йўқ. Матал мақолнинг ярми ҳисобланади”²⁹.

Маҳаллий ва хорижий фольклоршуносларнинг турли нуқтаи назарларидан хулоса чиқариб, паремияларнинг келиб чиқиши тўғрисида иккита қарашнинг мавжудлигини кўриш мумкин: 1) мақоллар халқ ижоди маҳсули эканлигини таъкидловчи романтик қараш; 2) паремиологик бирликларда муаллиф мавжудлиги ғоясини илгари сурувчи уларнинг муаллифи бор деган ёндашув. Биз кўп ҳолларда биринчи, яъни романтик йўналиш нуқтаи назарига қўшиламыз.

Паремиялар семантикасидан ахлоқий-диний, ижтимоий-иқтисодий, тарихий-жўғрофий маълумотлар кодлари жой олади. Дунё халқлари ва уларнинг авлод-аждодлари ранг-баранг воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб, турфа паремияларни яратишган. Паремиялар кўп асрлик фольклорга дахлдор. Ҳар қандай тилдаги паремияларнинг катта қисми инсоннинг ташқи ва шахсий хусусиятларини тавсифловчи ҳамда жамоатчиликнинг уларга берган баҳосини билдирувчи паремиялар ташкил этади. Мақоллар эса авлоддан авлодга ўтиб келаётган инсон ҳақидаги қарашларнинг майда тафсилотлари ва нозикликларини билдирувчи антропоцентрик маълумотни келгуси авлодга узатиб боради.

²⁶ Е.М. Верещагин, В.Г. Костомаров. Язык и культура. – Москва: Русский язык, 1990. – С. 23.

²⁷ А.В. Кунин. Курс фразеологии современного английского языка. – Дубна: Феникс+, 2005. – С. 432.

²⁸ П.У. Бакиров. Концепт и пословицы. // Филология ва маданиятлараро коммуникация: долзарб масалалар ва истиқболлар. – Тошкент, 2018. – С. 98.

²⁹ В.И. Даль. Пословицы и поговорки русского народа. – Спб., 1998. – С. 8.

Мақолларнинг вазифаси маълум низолар ечими ёки уларнинг музокаралари келишувига қаратилмаган. Бирор нарсани таъкидловчи ёки инкор этувчи мақоллар ёрдамида катта авлод ёшларга инсонлар тажрибасини етказиб, таълим беради. Уларнинг маъноси негизида, шак-шубҳасиз, ҳақиқат мавжуд. Мақолнинг прагматик мақсади тингловчига таъсир кўрсатишдан иборат, шунинг учун унинг баҳолаш вазифаси алоҳида муҳим роль ўйнайди. Паремиялар маълум афористик маъноларни, атрофдаги воқеа, ҳолат ёки ҳодисаларга нисбатан ҳар хил баҳоларни ифодалайди. Паремиялар маъносида акс этган баҳо ижобий, салбий ва бетараф (нейтрал) бўлиши мумкин. Ҳажвий, аччиқ, истехзоли, ҳамда кулгули ва кинояли мақоллар аслида баҳолаш вазифасини бажаради. Баҳоларнинг асосий қисми инсонни тавсифлаш билан боғлиқ бўлиб, айнан, инсон у ёки бу провербиал тузилма юзага келадиган ҳаётий вазиятларнинг марказида бўлади.

Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг паремиологик сатҳини таққослаш мазкур тиллар типологик хусусиятларининг коммуникатив жиҳатларини тизимли равишда очиб бериш имконини беради. Қийинлашган тилларнинг паремиологик заҳирасида тузилиши, мазмуни ва маъноси бўйича тўлиқ мос келадиган тузилмалар камдан-кам учрайди. Бундай муқобиллик асосан қардош бўлган ўзбек ва қорақалпоқ тиллари тизимида кузатилади. Бироқ, тилларнинг маданий ривожланиши билан боғлиқ бўлган номуносибликлар ва типологик тафовутларнинг устунлигини намоён этидиган паремиялар мазкур тилларда ҳам мавжуд.

Аҳамиятлиси, структуравий ташкиллаштириш ва компонент таркиби борасидаги тафовутларга қарамадан, солиштирилган тиллардаги мақоллар семантикаси бир хил фикрни англатиши мумкин:

A bird may be known by its song – Қуш парвоздан билинади.

Олтин ўтда, одам меҳнатда билинар.

Адам мийнетте тапланады – Одам меҳнатда тобланади.

Мазкур мақоллар уччала тилда бир хил мазмунга эга бўлиб, шакли ҳамда сўзлар таркиби бўйича фарқланади. Инглиз тилида асосий маъно “қуш” мисолида ифодаланган бўлиб, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эса “инсон” мисолида тасвирланган. Ушбу паремияларда инсоннинг уринишлари, ҳаракатлари, фаолияти, ютуқлари якуний натижаларга қараб ўлчаниши ҳақидаги мазмун ифодаланган:

Dogs that pull up many hares kill none – Иккита қуён кетидан қувлаган биттасини ҳам тутолмайди.

Икки кеманинг бошини тутган гарқ бўлади.

Ёки кемениң басын услаган суўга кетеди.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилидаги мақоллар нафақат умумий мазмуни, балки таркибий қисмларининг шакли ва тузилиши бўйича ҳам бир-бирига тўғри келади. Инглиз тилида мақолнинг маъноси “қуён” мисолида, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида эса “кема” мисолида фаоллашган. Уччала мақолнинг умумий маъноси бир: яъни икки ишга бирданига беҳуда уринишда ҳар иккисидан ҳам мосуво бўлиш эҳтимоли мавжудлиги сабабли, уларга

бирданига интилмаслик ёки ҳар бир ишни охирига етказа олмай иккинчисига уриниш муваффақиятсизликка олиб келиши айтилади.

Мисоллар кўрсатадики, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари битта тил оиласига мансуб бўлганлиги, уларнинг соҳиблари эса бир хил ҳудудий майдонда яшаши, ҳамда ўларнинг яқин алоқада бўлиши ва маданий муштаракликка эгалиги, мазкур тиллардаги мақолларнинг кўп умумий жиҳатларга эга бўлишига замин яратади. Натижада, талаффузи, сўз таркиби, ҳаттоки грамматик тузилиши жиҳатидан ўхшашликлар юзага келган.

Диссертациянинг **“Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги инсонни баҳоловчи провербиал тузилмаларнинг турли параметрлар бўйича таснифи”** номли иккинчи бобида инсоннинг ташқи кўриниши ва ёши, ақлий қобилияти, шахсий хусусиятлари, оилавий ҳолати, меҳнат фаолияти, ижтимоий мақоми ва шунингдек, хулқи ва ҳаёт тарзини баҳоловчи инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ мақоллари тасниф қилинган.

Н.З. Насруллаеванинг тадқиқотида (2018) ишлаб чиқилган тасниф мезонлари қуйидаги параметрларни ўз ичига олади: 1) ташқи кўриниш; 2) ёш; 3) феъл-атвор ва шахсий хусусиятлар; 4) оилавий аҳвол; 5) ижтимоий мақом ва касбий фаолият; 6) хулқ ва ҳаёт тарзи; 7) ақлий қобилиятлар³⁰. Мазкур тасниф муаллиф томонидан фразеологик бирликлар учун эркаклар ва аёлларни тавсифлаш мақсадида қўлланилган. Бунда тадқиқотчи кўрсатилган параметрлар бўйича инсоннинг гендер мансублигига асосий эътиборни қаратади. Бизнинг тадқиқотимизда мазкур тасниф антропоцентрик мақолларнинг баҳоловчи мазмунини инобатга олган ҳолда уларни алоҳида гуруҳларга тақсимлаш учун ёрдам беради.

“Чиройли” умумий маъноси асосида инсоннинг ташқи кўринишини тавсифлаш атрофимиздаги воқеликни идрок этиш жараёнини холисона акс эттирувчи “хунук” антонимига кўра камроқ учрайди³¹. Паремиялар инсоннинг сохта гўзаллиги унинг ҳақиқий гўзаллиги бўлмаслигидан огоҳлантиради: *Appearances are deceptive = Усти ялтироқ, ичи қалтироқ = Сырты жылтырақ, иши қалтырақ; A fair face may hide a foul heart = Юзинг қоралиги уят эмас, юзиқоралик уят.* Мазкур ўзбек мақоли сўз ўйинига асосланган: *юзи қора* ва *юзиқоралик*.

Инсоннинг энг асосий бойлиги унинг соғлиги ҳисобланади. Барча қийсланаётган тилларда семантик жиҳатдан ўзаро мос келадиган мақоллар бундан дарак беради: *A healthy mind in healthy body = Соғлом танада соғлом ақл = Сап денедесап ақыл; Дени саўдың – жаны саў.*

Ташқи кўриниш бевосита инсоннинг ёши билан боғлиқ. Таҳлил қилинаётган тилларда мавжуд бўлган мақолларда катта ҳаётий тажрибага эга бўлиш инсоннинг баҳосини ошириши таъкидланади: *A new broom sweeps clean, but the old knows all the corners; = Олти яшардан сўрама, олтмиши*

³⁰ Н.З. Насруллаева. Формирование гендерных концептов в английской и узбекской фразеологических картинах мира: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 2018. – С. 146.

³¹ Д. Мэтякубов. Характеристика человека зоонимами в разносистемных языках (на материале английского и узбекского языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1996. – С. 14.

яшардан сўра; *The devil knows many things because he is old* = Қари билганни пари билмас = Көп жасаған емес, көпти көрген биледи.

Ақл, фаросат билан қарор қабул қилиш, ўз сўзлари ва хатти-ҳаракатини яхшилаб ўйлаб кўриш, ҳамда билимга интилиш инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги мақолларда ижобий баҳоланади. Нодонлик, ўйламай иш қилиш, сўз ва қарорларнинг бемулоҳазалиги, маблағни беҳуда сарфлаш кабилар салбий хулқ-атвор сифатида тавсифланади: *Art has no enemy except ignorance* = Аҳмоқнинг ўзи билмас, билганнинг сўзига кирмас; *Ақыллы жигит ел қорғайды, ақмақ жигит елди хорлайды*. Чаласаводлик мақолларда саводсизликдан кўра салбий коннотацияга эга бўлади: *Better untaught than ill-taught* = Чаласаводдан саводсиз афзал = Шала саўатлылық саўатсызлықтан артығырақ қаўипли.

Қиёсланаётган тиллардаги паремиологик бирликларда умр бўйи билимга интилган инсон юқори баҳоланади: *It's never late to learn* – Ўқишнинг эрта-кечи бўлмас; *Бир өмир үйрениў, өмиринше үйрениў* – Умрбод ўқиб ўрганасан киши; *Ийгиликли истиң ерте-кеши жоқ; Қайырлы истиң кеши жоқ* – Ҳечдан кўра, кеч яхши.

Таҳлил қилинган тиллардаги мақолларда жасурлик, мардлик, виждонлилик, эзгулик, саховат, хушмуомалалик, беандишалик, сабр-тоқат ва ростгўйлик каби инсонларнинг шахсий фазилатлари ижобий баҳоланади. Кўрқоқлик, очкўзлик, хасислик, баджаҳлик, мақтанчоқлик, вайсақилик, беандишалик, сафсатабозлик, инсофсизлик, димоғдорлик, такаббурлик, совуққонлик каби инсоний хулқ-атворлар салбий жиҳатдан тасвирланади.

Қиёсланаётган тилларда инсоннинг жасурлиги ва мардлигини ифодаловчи мақоллар кўп: *None but the brave deserve the fair*; *Эр йигитнинг қадрини оғаси эмас* – эл билур, *Батырға таяқ та жарақ, ура билген жигитке ийне де жарақ* – Ботирдан ўлим ҳам кўрқади;

Инсоннинг кўрқоқлиги қуйидаги паремияларда салбий жиҳатдан тасвирланади: *He that feareth every bush must never go a-birding*; *Кўрқоқнинг одати* – мақтанмоқ; *Қорыққанға қос көринеди, Қоян көлеңкесинен де қорқады* – Кўрққанға кўш кўринар.

Инсоннинг очкўзлиги, хасислиги, ҳамда нафс ботқоғига ботганлиги қуйидаги мақолларда салбий баҳоланади: *Grasp all, lose all* – Икки кеманинг қуйруғини ушлаган - ботар; *Ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди; Көлдиң суўын көргенсиз қызғанады* – Хасис ҳаёсиз бўлар, ери гиёҳсиз бўлар.

Таҳлил қилинаётган тилларда инсон меҳрибонлиги ва саховати паремияларда ижобий баҳоланади: *It is better to give than to receive* = Сен бировга бирни берсанг, Худо сенга мингни беради; *Сақый* – дос көбейтеди, *бақыл* – мал көбейтеди – Саҳий топса, бўлиб ер, бахил топса, босиб ер.

Ёлғончилик паремиологик бирликлар мазмунида қораланади: *He that once deceives is ever suspected* = Ёлғончи чин деёлмас, чин деса ҳам, эл инонмас = Өтирикшиниң дурыс сөзи заяға кетеди. Инсон виждонсизлиги салбий баҳоланади: *One beats the bush, and another catches the birds* = Кўйини биров қарар, сутини кимлар ичар = Кисиниң қолы менен от ысырыў.

Виждонлилик ва одамшавандалик ижобий баҳоланади: *A good conscience is a good continual feast = Худо ҳақни ноҳақ қилмайди = Аққа қара жоқ, қарага шара жоқ.*

Провербиал тузилмалар кишиларни сабр-тоқатга ундайди, чунки сабрли одамгина ўз мақсадига эриша олади: *Everything comes to him who wait = Сабр қилсанг, гўрадан ҳолва пишар; Сабрнинг тағи олтин = Сабыр тўби сары алтын; Сабырлы жетер муратқа.*

Турли лисоний жамоаларда мавжуд бўлган оила қуриш қонун-қоидалари мақолларда яққол ўз аксини топади. Бу борада Ш.С. Сафаровнинг қуйидаги фикри ниҳоятда ўринли: “...турли этномаданий жамиятларнинг вакиллари атрофдаги воқеликни турлича идрок этади”³².

Оила мавзуси бевосита муҳаббат туйғуси билан боғлиқ: *Faults are thick where love is thin – Севмаганга сўйкалма = Сўймегенге сўйкенбе; Муҳаббат кетса, нафрат келар.* Инсон севиб қолганда танлаш имконига эга, бироқ севмасликнинг иложи йўқ = *Ҳамма дардга бор даво, ошиқлик дарди бедаво; Муҳаббат шаңарақ уйтқысы.* Қорақалпоқ ва ўзбек тилида оила ва оилавий муносабатларни баҳоловчи баъзи мақоллар семантик мазмунига кўра муқобилдир: *Ўз уйим – улан тўшагим = Өз уйим – өлен төсегим.* Ушбу мақолларда иккала қардош тил соҳибларининг ўз уйи ва оиласига бўлган муҳаббати номаён бўлмоқда.

Инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тиллардаги провербиал тузилмаларда инсоннинг касбий фазилятлари ва маҳорати улуғланади: *Such carpenters, such ships, Чумчуқ сўйса ҳам – қассоб сўйсин = Шымшық сойса да қассап сойсын; Ис устасынан қорқады – Иш устасидан кўрқади.* Қадимдан мақоллар инсонларни меҳнат, санъат ва ижодга ундайди: *He who does not work neither shall he eat = Ишламаган – тишламайди; He that will eat the kernel must crack the nut = Тоққа чиқмасанг, дўлана қайда, жафо чекмасанг жанона қайда.* Қорақалпоқ халқ мақоли *Мийнет етсең емерсең – Меҳнатсиз роҳат йўқ* шунга ўхшаш мазмунга эга.

Ўзбек ва қорақалпоқ паремиологиясида инсоннинг интилишлари, тиришқоқлиги юқори баҳоланади: *Тиришган – эр, тиришмаган – қора ер; Ғайратлы ер қамал бузады; Көш келе-келе дўзилер – Ҳамма нарса бирдан юзага келмайди; Адам мийнетте тапланады – Одам меҳнатда тобланади.* Ялқовлик инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ паремиологиясида салбий баҳоланади:

Idleness is the root of all evil; Дангасанинг қўйруғи бир тутам = Ерине берсең өзиңе, бәле көринер көзиңе. – Эринчоқнинг иши битмас.

Таҳлил қилинган тиллардаги паремияларда инсонларнинг ижтимоий аҳволи яққол акс этган бўлиб, бойларнинг ижтимоий мавқеи танқид қилинади: *Poor men seek meat for their stomach, rich men stomach for their meat = Камбағал топганда, бой соғинганда; Бойга шифокор, камбағалга дуо; Азын илекерлеп жарлы өтер, көбин қаржыламай бай өтер – Бой кийса, қутлуғ бўлсин, камбағал кийса, қаердан олдинг.*

³² Ш.С. Сафаров. Лингвистика дискурса. – Челябинск: Челябинский государственный институт культуры, 2018. – С. 160.

Лисоний маданиятларда инсоннинг хулқ-атвори ва ҳаёт тарзини ижобий ёки салбий жиҳатдан баҳоловчи мақоллар ҳам учраб туради. Мақоллар инсонни соғлом ҳаёт тарзига ва тартиб-интизомга риоя қилишга ўргатади: *Good health is above wealth = Денсаўлық – терең байлық; He that eats least eats most = Оз-оздан еган узоқ яшайди = Ауырыў астан, даў қарындастан.* Очофатлик, ичкиликбозлик, қимор ўйинлари каби зарарли одатлар қиёсланаётган тиллардаги паремиялар орқали танқид қилинади: *Drunkenness reveals what soberness conceals = Хушёрнинг дилида – мастнинг тилида; Ақмақ жәнсиз қаңғыйды, арақхор дүкан аңлуйды – Бир мастга тегма, бир жиннига; Better belly burst than drink (или meat) lost = Очкўзнинг ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймас; Cards are the devil's books = Қимордан келган қиморга кетар = Қумардың кейни ўайран.*

Кўриниб турганидек, доно аждодларимиз башариятга мақолларда акс эттирилган доноликларнинг бой меросини қолдирган. Жумладан, мақоллар инсонга меҳмондўстлик меъёрлари ва маданият мезонларига риоя қилишга ўргатади: *A constant guest is never welcome = Тез-тез келадиган меҳмоннинг қадри йўқ = Жақсы кәреду екен деп бара берме, береду екен деп ала берме.*

Инсоннинг фазилатлари дўстлари ва улфатлари кўршовида билинади: *A man is known by the company he keeps = Дўстинг кимлигини айт, сенинг кимлигингни айтаман = Достынның ким екенин айт, сениң кимлигиңди айтып бермен.* Чин дўстлик маъносини ўз ичига олган паремиологик бирликлар барча қиёсланаётган тилларда мавжуд: *A friend in need is a friend indeed = Дўст кулфатда билинар = Дос басқа ис түскенде билинеди; Жақсы дос басыңа ис түскенде билинер.*

Қиёсланаётган тилларда инсон ҳаёт йўлининг муқаррар тугаши мавзусига оид мақоллар талайгина: *Every door may be shut but death's door = Ўлимдан қочиб бўлмас.* Фикримизча, ўлимнинг муқаррарлигини эслатиш кишиларни ўз ҳаётини муносиб равишда яшаб, ўзидан кейин яхши ном қолдириб ўтишга, бориға шукр қилишга, ҳамда ҳаётини эзгу, хайрли ишларга бағишлашга ундайди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, қиёсланаётган тиллардаги провербиал тузилмаларда касбий маҳоратни ошириш фазилати юқори баҳоланади. Мавжуд бўлган паремиялар инсонни самара берувчи меҳнатга ундайди. Ялқовлик ва дангасалик барча лингвомаданиятларда танқид қилинади.

Диссертациянинг **“Антропоцентрик провербиал тузилмалар қўлланишининг прагматик ва лингвомаданий хусусиятлари”** номли учинчи бобида инсонни баҳоловчи ибораларнинг структур-семантик хусусиятлари тадқиқ қилинган, уларнинг бадий адабиёт матнларида ишлатилиши таҳлил қилинган ва қиёсланаётган тиллардаги инсонни баҳоловчи антропоцентрик мақолларнинг прагматик ва лингвомаданий мазмуни очиқ берилган. Мазкур бобда инглиз, ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги мақолларнинг структур-семантик, лингвомаданий ва прагматик хусусиятлари, алломорфлик ва изоморфлик аломатлари аниқланган.

Мақоллар таркибида мустақил маъноли компонентларнинг сони турлича бўлиши мумкин. Одатда, улар тўртта ва ундан ортиқ (ўнтагача) таркибий

қисмларни ўз ичига олади. Учта компонентли мақоллар энг қисқа ҳисобланади. Аммо, бундай паремиялар таҳлилининг кўрсатишича, улар чуқур маънони фаоллаштиради: *Be one flesh* – Эр-хотин – қўш ҳўкиз; *Сирингни сиртга чиқарма*; *Қайтқан жасўга қатын зор* – Ёв қочса, ботир кўпаяди. Инглиз тилидаги мақоллар таркибида архаик сўзлар шакллари учрайди: *The fat man knoweth not what the lean thinketh* – Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор.

Мақолларнинг катта қисми дарак гаплар воситасида ифодаланган. Ҳар қандай дарак гапда алоҳида таъкидлаб кўрсатилган калит сўзлар мавжуд. Ундов гап тузилишига эга мақоллар инсонни айрим ҳаракат ёки фаолиятга ундайди, даъват қилади, уни бажаришни ёки аксинча ундан ўзини тийишни маслаҳат беради.

Чоғиштирилаётган тиллардаги баъзи мақолсимон ибораларда гап эгаси от орқали ифодаланган: *Pride goes before a fall* – Мағрурликдан яхшилик чиқмайди; *Саломатлик – туман бойлик*; *Ўлимнен уят кўшили* – Уят ўлимдан қаттиқ. Сифат+от шаклидаги инсонни тавсифловчи мақоллар мазкур тилларда тез-тез қўлланилиши кузатилади: *A bad workman quarrels his tools* – Ёмон ўйинчи доимо созандани айблайди; *Ёмон балиқ сув лойқатар*; *Тоқ ўйдин ийти семиз келеди* – Тўқ уйнинг ити семиз бўлади. Инглиз тили мақолларида гап эгаси баъзан кишилик олмош билан ифодаланган бўлади. Мазкур паремияларда *he* олмоши гендер кўрсаткичи эмас ва у ҳар иккала жинсга нисбатан қўлланилиши кузатилади. Жинснинг умумий номинациясига эга *he, who, you* олмошли мақоллар инглиз тилида талайгина: *He who would eat the nut must first crack the shell*; *Who has never tasted bitter, knows not what is sweet*.

Умуман, инглиз провербиал тузилмалари тузилишига кўра ўзига хос хусусиятларига эга: уларнинг кўпчилиги инкор шаклида тузилган бўлиб, бўлишсиз шаклдаги *don't, doesn't, isn't, aren't, won't, wasn't* каби кенг тарқалган ёрдамчи феълларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, инглиз мақолларининг таркибида бўлишсиз шаклдаги модал феъллар ҳам учрайди: *can't* (ёки *cannot*), *shouldn't*. Инглиз мақолларида инкор *no* бўлишсизлик юкламаси орқали ҳам ифодаланади. Масалан: *Crime doesn't pay* – Ўғирланган моллар наф келтирмайди; *You can't eat your cake and have it* – Битта нонни икки марта еб бўлмайди; *No man is so wise at all times* – Ҳар тўқисда бир айб.

Ўзбек тилига ва қорақалпоқ тилига ҳам инкорнинг жуфтлашуви хос: *Ёмонни кўрмаса, яхшининг қадрига етмайди*; *Самал болмаса шөптин басы қыймылдамайди* - Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.

